

	Индорама Агро МЧЖ	Хужжат №	O.06_IMS_F-1
		Нашр № ва Сана	Ver. 1 05.09.2022
		Текш.№ ва Сана	
		Амалга кириш санаси	16.09.2022
		Саҳифа	Page 1 of 1
ХАРИД СИЁСАТИ			

"Индорама Агро" МЧЖ ХК (Компания) компания ва етказиб берувчилар ўртасидаги ўзаро тушуниш ва ишонч асосида иш фаолиятини доимий равишда яхшилаш ва ушбу фаолиятни барқарорланишига интилади. Компания барча амалдаги қонунлар ва қоидаларга ҳамда маҳаллий ва жаҳон бизнесни бошқарадиган тегишли экологик ва ижтимоий амалиётларга риоя қилади. Харидлар сиёсати Компания ҳудудларида харид қилинадиган товарлар ва хизматлар бўйича барча шартномаларга нисбатан қўлланилади.

Биз қуйидагиларга амал қиламиз:

- Таъминловчилар, ҳамда товар ва хизматларнинг мумкин бўлган етказиб берувчиларига адолатли ва тенг муносабатда бўлиш имконини берувчи харид жараёнларимизда энг юқори даражадаги ахлоқий меъёрларни тадбиқ этиш.
- Атроф-муҳитни бошқариш (шу жумладан, ифлосланишни камайтириш, энергия ва ресурслар самарадорлиги, чиқиндиларни камайтириш ва қайта ишлаш) ва инсон ресурсларини бошқариш (масалан, тенг имкониятлар, камситмаслик, соғлиқ ва хавфсизлик) бўйича илғор тажрибаларни намойиш этувчи таъминловчилар билан ишлаш.
- Харид қилиш жараёни нарх, мақсадга мувофиқлик, экологик ва ижтимоий барқарорлик, энергия ва ресурслар самарадорлиги, меҳнат стандартлари, меҳнат шaroитлари, техник хизмат кўрсатиш шартлари, операцион харажатлар, кафолатлар билан боғлиқ тегишли мезонлар/омиллар асосида адолатли ва шаффоф тарзда амалга оширилишини таъминлаш, ва кафолатлар, шунингдек, Сиёсат талабларига мувофиқ тўлов шартлари ва шaroитлари.
- Атроф-муҳит ва/ёки ижтимоий жиҳатдан барқарор бошқарувнинг халқаро миқёсда тан олинган стандартларига мувофиқ сертификатланган товарлар ва хизматларга устунлик бериш.
- Харид қилиш жараёнидан келиб чиқадиган барча муурожаатлар/шикоятлар Компаниянинг Муурожаатларни кўриб чиқиш сиёсати/тартибларига мувофиқ самарали ва шаффоф тарзда бошқарилишини таъминлаш.
- Товар ва хизматлар таъминотчилари ўртасида ресурслардан барқарор фойдаланиш ҳамда яхши меҳнат стандартлари ва меҳнат шaroитларини қўллашга кўмаклашиш.
- Харидларни режалаштириш, спецификациялар ва иш ҳажмига экологик ва ижтимоий масалаларни, барқарорлик, меҳнат стандартлари ва меҳнат шaroитларига мувофиқликни киритиш.
- Таъминотчиларни танлашда экологик ижтимоий ва барқарорлик стандартлари бўйича таклифларни энг яхши даражада баҳолашни ўтказиш.
- Товар ва хизматларнинг йирик етказиб берувчиларининг экологик ва ижтимоий барқарорлик кўрсаткичлари бўйича даврий таҳлиллар ва ҳисоботларни ўтказиш.

Индорама МЧЖ ушбу сиёсатни амалга оширади, назорат қилади, ва бу бўйича мунтазам равишда ҳисобот беради. Ушбу сиёсат ҳар 2 йилда қайта кўриб чиқилади.

Тайерлаган:	Лавозим: - ЭИБ Бўлим Бошлиғи	Сана: 15.09.2022	Имзо:
Текширган:	Лавозим: - Бош Бошқарувчи Раҳбар	Сана: 15.09.2022	Имзо:
Тасдиқлаган:	Лавозим: - Бош директор	Сана: 15.09.2022	Имзо:

